



IJTIMOIIY - SIYOSIY GAZETASI

“ИШБИЛАРМОН АЁЛ – 2025”



Меҳрибон она, ибратли оила бекаси, фаол тадбиркор

Мамлакат иқтисодий ҳаёти-да хотин-қизлар фаоллигини ошириш, аёллар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга тадбиркорлик ва бизнес кўникмаларини ўрга-

тиш давр талабига айланган. O'zLiDeP ҳам хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага жалб этиш орқали моддий фаровонлигини ошириш борасида қатор амалий

тадбирларни ташкил этиб келмоқда. Мана шундай тадбирлардан бири ўн йилдан бери республика миқёсида ўтказиб келинаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танловидир.

2

БЕКОБОДДА ШУНДАЙ АЁЛ БОР...

Меҳридарё она, ибратли оила бекаси, қўлигул тикувчи... Бу каби адоқсиз таърифу мактовлар Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг энг истиқболли лойиҳаларидан бири – “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг Бекобод туман босқичи ғолиби, Хонобод маҳалласида фаолият юритаётган “Элзара Текстиль” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Зилолаҳон Ҳожибекова шаънига айтилди!

Умр йўлдоши Шухратжон билан икки нафар фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказётган Зилолаҳонни бекободликлар фахрлиниб тилга олишади. Нега десангиз, рўзғору тадбиркорлиқнинг шунча юмуш-ташвишларидан ортган бу ғайратли келин кўмакка муҳтож кайнотасининг ҳам дуосини олаётгани алоҳида мавзу.

Хуллас, 2022 йилда яқка тартибдаги тадбиркорлик асосида 8 та тикув машинаси билан бизнес фаолиятини бошлаган Зилола Ҳожибекованинг бугунги кунда ишлаб чиқараётган тикувчилик маҳсулотлари сифатлилиги ва арзонлиги, энг муҳими,

харидорғирлиги билан анча доврўқ қозонган. Жорий йилда эса “Элзара текстиль” МЧЖни очиб, 18 нафар хотин-қизни иш билан таъминлабди, бу тиниб-тинчамаган партиядошимиз. Ва ўтган ҳафта “Ишбилармон аёл – 2025” кўрик-танловининг Бекобод тумани босқичида қатнашди.

– Бир кун кутилмаганда корхонамизга туманимизнинг янги ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов кириб келди, иш фаолиятимиз билан танишгач, бизга 10 та тикув машинаси ажратишга қарор қилганини эшитиб, бошим осмонга етди. Ўн нафар маҳалладош аёллар ва 8 нафар ёш қизларни шогирдликка қабул қилдим. Олдинда катта режаларим бор: тайёрлаётган маҳсулотларимизни миллий бренд сифатида сотувга чиқариш. Тикаётган кийим-кечакларимизни экспортга йўналтирамиз, насиб этса! – дейди Зилола Ҳожибекова.

Мухбиримиз



БУГУНГИ СОНДА:

ОНГЛИ ИНСОНЛАР –
хавфсиз жамият
асосчилари

3с.



Ютуқлар ортида
муаммолар ҳам бор...

4с.



МИГРАЦИЯ ва
БАНДЛИК

5с.



БОБОЛАР ИЗИДАН...
борган “XXI asr” мухбири
Озарбойжон сафаридан қайтди!

6с.



◀Бошланиши 1-саҳифада.

Меҳрибон она, ибратли оила бекаси, фаол тадбиркор

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Тошкент вилоятининг олис ҳудудларидан бўлган Бекобод туманидаги Ихтисослаштирилган мактабда ўтказилган кўрик-танловда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Актам Хаитов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари Виктор Пак, Атахам Назирқулов, Галия Райханова, Бекобод тумани ҳокими Зайнилобиддин Низомиддинов ҳамда партия вилоят ҳамда туман кенгашлари мутасаддилари, маҳаллий депутатлар, тадбиркор ва фермер аёллар иштирок этди. Танлов доирасида кичик бизнес ва хусусий сектор ривожига фаол ҳисса қўшаётган шижоатли, ташаббускор хотин-қизлар ўзаро беллашди.

Танловнинг очилишида сўз олган партия етакчиси бугун юртимизда хотин-қизларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани, уларнинг ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишлари, самарали бизнес юритишлари учун барча имкониятлар муважжасам эканини таъкидлади. Партия ҳам бу борада камарбаста бўлиб келаётгани, тадбиркорликнинг турли йўналиш ва соҳаларида илгор фаолият кўрсатаётган аёллар инновацион янгиликларга интилишлари, ғоя ва ташаббуслари билан ибрат бўлаётганликларини қайд этди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Виктор Пак ҳам мазкур кўрик-танловнинг моҳияти йилдан-йилга ортиб бориб, бугун энг олис ҳудудларда яшовчи она-сингилларимиз фаолиятини ҳам қамраб олгани, уларнинг тадбиркорлик ва бизнес йўлидаги интилишларини қўллаб-қувватлаб, турмуш фаровонлигини ошириш, жамиятда ўз ўрнини янада мустаҳкамлашда муҳим аҳамият касб этаётганига тўхталиб ўтди.

Туман ҳокими З. Низомиддинов тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш йўналишида олиб борилаётган ислохотлар самараси ўлароқ шундай интилувчан ва ташаббускор бизнес вакиллари орасида бекободлик фаол тадбиркор аёлларнинг борлиги қувончли ва уларнинг ҳар бири юксак эътирофга сазовор эканини урғулади.

Танлов доирасида ташаббускор, ишбилармон, тадбиркор аёллар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўргазмаси ташкиллаштирилди. Кўргазма павильонларида қўл меҳнати буюмлари, тўқувчилик, бадий безак санъати сингари хунармандчилик намуналари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари намойиш этилди. Бирма-бир танишиб чиққан ҳакамлар уларни баҳолашда нечоғли қўшимча янги иш ўрни яратгани, “Аёллар дафтари”дагиларни касб-хўнарга ўқитгани, ҳафтада ўз ўрнини топиб кетишида кўмаклашгани, фаолият туридан келиб чиқиб экспортга йўналтирилган ёки импорт ўрнини босувчи маҳсулот ишлаб чиқаргани, хизмат сифати ҳамда янги инновацион ғояларини инobatга олишиди.

Ҳайъат қарорига кўра, фахрли 3-ўринга “Обод Хуршидабону” номли фермер хўжалигида 10 та доимий ва 32 та мавсумий иш ўрни яратган Зулфия Абдураимова муносиб деб топилиди. 2-ўринга тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият кўрсатиб, 100 та иш ўрни яратган салоҳиятли тадбиркор, “Xop qizi” МЧЖ раҳбари Шоҳида Эрматова лойиқ кўрилди. Танловнинг 1-ўрнини фермер хўжалигида 28 та иш ўрни яратган Назира Боқиева қўлга киритиб, ҳудудий республика босқичида иштирок этиш имконига эришти. Ғолиб ва совриндорларга партия ҳамда туман ҳокимлигининг диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Зухро МИРЗОХАМДАМОВА,
O‘zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши
бўлим мудир

НАМАНГАН



Наманган туманидаги 5-сон болалар мусиқа мактабида ҳам ана шундай тадбир юқори савияда ўтказилди. Унда маҳалла босқичларида юқори натижалар кўрсатган, хунармандчилик ва тадбиркорлик соҳасида фаолият олиб бораётган хотин-қизлар ўз маҳсулотлари кўргазмаси билан иштирок этди. Қўл меҳнати билан тайёрлаган маҳсулотлари, хизмат турлари дейсизми, иш юритишдаги инновацион ёндашувлари, хуллас, ўз фаолиятларида муҳим бўлган жиҳатларни ҳавола этиб, ҳакамлар ҳайъатида катта таассурот қолдирдилар.



Танлов якунига кўра, 1-ўринни Катта Тошбулоқ маҳалласидаги “Дилдора ширинликлари” хусусий корхонаси раҳбари Дилдора Мамадаҳиева қўлга киритди. У ўзининг ўзбекона ширинликлар ишлаб чиқаришдаги ўзига хос ёндашуви ва бозордаги фаол иштироки билан ажралиб турди.

2-ўринга эса Ибрат маҳалласида яшовчи, 1-гуруҳ ногирони бўлишига қарамай, тиниб-тинчимagan меҳнаткаш аёл – Гулбахор Обиддинова лойиқ кўрилди.

Ғолиб энди “Ишбилармон аёл” кўрик-танловининг ҳудудий республика босқичида иштирок этади.

O‘zLiDeP Наманган вилоят кенгаши
матбуот хизмати

ТОШКЕНТ ШАҲРИ



Танловнинг Олмазор тумани босқичи жуда файзли ўтди. Тадбирда партиянинг шаҳар ва туман кенгаши масъуллари, хотин-қизлар масалалари бўйича туман ҳокими ўринбосари, депутатлар ҳамда тадбиркор аёллар иштирок этди.



Қизғин рақобат муҳитида ўтган кўрик-танловда иштирокчилар ўз лойиҳалари, иш тажрибаси, ижтимоий фаоллиги ҳамда келгуси режалари билан ҳакамлар ҳайъатида катта таассурот қолдирди. Энг фаол ва самарали фаолият юритаётган аёл тадбиркорлар ғолиб деб топилди ҳамда улар беллашувнинг кейинги – шаҳар босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Жумладан, тадбиркорлар Умида Бориева 1-ўрин, Наргиза Қодирова 2-ўрин ва Феруза Расулова ҳамда Нилуфар Мусажонова 3-ўринни эгаллади. Ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

O‘zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши
матбуот хизмати

БУХОРО



Бухоро шаҳридаги “Рангрез” меҳмонхонасида ташкил этилган танловнинг Бухоро шаҳар босқичи мустақиллигимизнинг 34 йиллигига бағишлаб “Ватан учун, миллат учун, халқ учун!” шiori остида ўтди.

Партия вилоят кенгаши бўлим мудир Р. Салихова, Бухоро шаҳар кенгаши раиси Ж. Матниёзов, шаҳар кенгашининг аёллар масалалари бўйича ўринбосари М. Содиқова юртимизда хотин-қизларга оид давлат сиёсати таъминла янги босқичга олиб чиқилгани бугунги танловда қатнашаётган ишбилармон аёллар қалбида ҳам ишонч, шижоат ва миннатдорлик туйғуларини уйғотаётганини эътироф этиб, иштирокчиларга муваффақият тилашди. Чиндан ҳам, 2016 йилдан бери ўтказилаётган мазкур кўрик-танловда Бухоро шаҳридан юзлаб ишбилармон, фермер, хунарманд хотин-қизлар иштирок этди. Бугунги кунда тадбиркорликнинг турли йўналишларида самарали фаолият юритиб келаётган Шоира Бўлдиева, Моҳтоб Одилова, Дилором Файзиева, Наргиза Аллакова шулар жумласидандир. Улар эндиликда ўз ишлаб чиқариш фаолиятларини талаб даражасида амалга ошириш билан бирга устоз-шогирд аънаналарини давом эттиришда ҳам ибрат бўлмоқдалар.



– Мазкур кўрик-танловда кўп тармоқли ишлаб чиқариш субъекти раҳбари сифатида иштирок этдим, – дейди Бухоро шаҳридаги “Mamedova SH” хусусий корхонаси раҳбари, моҳир тадбиркор Шахло Мамедова. – Аёллар миллий либослари, билагузук, сирға, қўл безаклари, заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимизга анча бўлди. O‘zLiDeP томонидан тадбиркор аёлларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб келинаётгани бизни янги марраларни эгаллашга даъват этади.

Дарҳақиқат, Шахло Мамедованинг саъй-ҳаракати билан Бухоро шаҳрида ташкил этилган корхонада 35 нафар, Ёғдудов туманидаги миллий чопонлар тикиш цехида 16 нафар, Қорақўлдаги қўл меҳнати маҳсулотлари тайёрлаш цехида 15 нафар аёлнинг бандлиги таъминланган. Корхонанинг Жондор туманидаги зардўзлик цехида ҳам 15 нафар хотин-қиз доимий иш билан машғул. Нафақат республикамиз вилоятларида, балки Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва ҳатто Ҳиндистон давлатларидан ҳам буюртмалар қабул қилинмоқда. Пешқадам тадбиркорнинг фаолияти ҳакамлар ҳайъати томонидан эътироф этилиб, фахрли 1-ўринга муносиб деб топилиди.

2-ўринга хунарманд аёл Назира Назарова, 3-ўринга “Мадина Миродил Фахриддин” оилавий корхонаси иш юритувчиси Зарина Салимова лойиқ кўрилди. Шунингдек, қулолчилик ва рассомчилик йўналишида фаолият кўрсатаётган Шахло Акрамова – “Фаол тадбиркор аёл”, қорақўл териларидан дўппи, нимча каби либослар тайёрлаётган Шарифа Ҳалимова – “Инвестицияларни жалб қилишда ташаббус кўрсатган ишбилармон аёл”, миллий кўйчоқлар устаси Шаҳодат Назарбоева – “Энг ёш, фаол аёл тадбиркор”, сўнгги урфдаги келинлик либосларини тақдим этиб келаётган Мукаддас Усмонова – “Замонавий ташаббускор аёл” номинациялари бўйича ўз билим, маҳорат ва тажрибаларини синовдан ўтказди ҳамда ушбу йўналишларнинг совриндори деб эълон қилинди.

Ғолиб ва совриндорлар O‘zLiDeP Бухоро шаҳар кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди. Айниқса, танлов доирасида “Mamedova SH” хусусий корхонаси дизайнерлари тайёрлаган миллий либослар намойиши иштирокчиларга кўтаринки кайфият бахш этди.

Асхор ИСТАМОВ,
“XXI asr” муҳбири

ХОРАЗМ



O‘zLiDeP Урганч шаҳар кенгаши томонидан IT паркда танловнинг шаҳар босқичи ўтказилди. Тадбирда халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаши депутати Муборак Жуманиязова, “Тадбиркор аёл” халқаро ишбилармон аёллар ассоциациясининг жамоатчилик ташаббуси Хоразм вилоят маркази раҳбари Айша Шукурова, вилоят савдо-саноат бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Зулхумор Нурметова ва партия фаоллари иштирок этди.

Натижаларга кўра, “Амир нон” оилавий корхонаси асосчиси Муҳаббат Худойберганава фахрли 1-ўринни эгаллади. Унинг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги ва маҳаллада ишсиз ёшларни иш билан таъминлаётгани ҳакамлар ҳайъати томонидан юксак баҳоланди. Шунингдек, Анора Явбасарова иккинчи, Манзура Салаева учинчи ўринни қўлга киритди.



– “Амир нон” оилавий корхонасига 8 йил аввал асос солганман, дастлаб фақат икки турдаги нон пиширардик, – дейди Муҳаббат Худойберганава. – Ҳозирда маҳсулотларимиз 15 хил бўлди. Асосий мақсадимиз – сифати юқори, арзон ва фойдали маҳсулот билан аҳолини таъминлаш. 12 нафар ёшни иш билан таъминладик. Улар орасида ишсиз ёшлар, коллеж битирувчилари, нововойликка қизиқувчилар бор.

Гулзор маҳалласининг фаол ва ишбилармон аёлларидан бири Дилфуза Атаева моҳир хунарманд. У қуён терисини қайта ишлаш орқали турли хил кийим-кечаклар тайёрламоқда. Ўз сафига 5 нафар ўғил-қизни олиб, уларни иш билан таъминлаб, касб сирларини ўргатапти.

Меҳнатнинг таги роҳат деганларидек, бугун танлов ғолибларининг меҳнати эътироф этилиб, тақдирлангани уларнинг бугунгача босиб ўтган машаққатли йўлидаги чароқларини аритиб юбормани юз-қўзларидан билиниб турарди.

O‘zLiDeP Хоразм вилоят кенгаши
матбуот хизмати

ҚАШҚАДАРЁ



Кўрик-танловнинг Шаҳрисабз туман босқичида ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра “Интеллект” ўқув маркази раҳбари Шоира Лолаева биринчи ўринга лойиқ деб топилиди. Хунарманд аёл ҳозирга қадар 300 дан ортиқ ишсиз хотин-қизга касб-хўнара ўргатиб, ўз-ўзини банд қилишига кўмаклашди. “Аёллар дафтари”га киритилган 17 нафар маҳалладошини иш билан таъминлаган. Иккинчи ўрин тадбиркор Зухра Хайруллаевага насиб этди. У тикувчилик, каштачилик йўналишида фаолият олиб бориб, хотин-қизлар учун 15 та янги иш ўрни яратган.




Босма каштачиликни ривожлантириш борасида тинимсиз изланаётган Дилдора Мирзаева учинчи ўринни қўлга киритди. У қадимий кашта турларини қайта тиклаш билан мунтазам шуғулланиб келмоқда. Ҳозирга қадар она-моларимиз қўлида сайқал топган ўндан ортиқ маҳорат намуналарини тиклаб, ёш қизларга ўргатишни йўлга қўйди.

– Туманимизда тадбиркор аёллар хусусий тадбиркорлик, фермерлик, маҳаллий ишлаб чиқариш, хунармандчилик соҳасидаги салоҳиятларини намойиш этган ҳолда юртдошларимиз бандлигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиб келишяпти, – дейди O‘zLiDeP Шаҳрисабз туман кенгаши раиси ўринбосари Арслон Узоқов.

Ғолибларни аниқлашда тадбиркор хотин-қизларнинг ўз фаолиятида учраётган муаммо, тўсиқ ва ғовларни қай тарзда бартараф этгани, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантириш ҳамда ўз билим ва тажрибаларини қай даражада оммалаштириётганига алоҳида эътибор қаратилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” муҳбири



ОНГЛИ ИНСОНЛАР —

ХАВФСИЗ ЖАМИЯТ АСОСЧИЛАРИ

Дунёга фақат жисмоний эмас, балки ақл-идроқ, виждон нигоҳи билан қарай бошлаган ҳар бир фуқаро бу ҳаётда ўзидан нелар талаб қилиниши, қай бир иш унинг шаънига доғ бўлиб тушишини жиддий ўйлаши табиий. Қолаверса, шахсни оломондан ажратиб турадиган қадриятлар орасида ўзи туғилиб ўсган юрт тақдирига дахлдорлик, унинг хавфсизлиги, фаровонлигини ўйлаш, мамлакатни ва миллатининг обрўси, тинчлиги учун ўзи қўлиши мумкин бўлган ҳиссани чуқур ҳис қилишдек масъулиятли вазифалар бор.

Бир мақоламизда таъкидлаганимиздек, инсоният ҳар қанча интеграциялашмасин, мамлакатлар ва халқлар ўртасидаги чегаралар ҳар қанча ювилиб бормасин, бирор бир давлат ёки халқ бошқа бир давлат ва халққа тўла бегараз, очик ёхуд пинҳона шартларсиз ярим буханка нонни текинга бермайди ва бермоқчи ҳам эмас. Бошқача айтганда, ҳар бир давлат, халқнинг тақдирини фақат ва фақат унинг ўз фуқаролари қўлида бўлиб, уларнинг саёй-ҳаракатлариغا чамбарчас боғлиқдир.

Бу реал ҳақиқатни ҳар биримиз – жамият ва давлат миқёсида тутган ўрнимиз, эгаллаган лавозим ва фаолият юритаётган соҳамиздан қатъи назар, чуқур англашимиз она Ватанимиз – Ўзбекистонимизнинг бугунги кунини ва келажиги тинч, хавф-хатарлардан холи бўлишига ишончли кафолат бўлади.

Афсуски, кундалик ҳаётда кузатаётганимиз кўплаб ижобий ўзгаришлар қатори эл-юрт тақдирига лоқайдлик, ўзибўларчилик, вазифасига “мендан ўтгунча...” қабилида ёндашиш, ёш авлод тарбиясига масъулиятсизликдек хавфли иллатлар ҳам бот-бот юз кўрсатмоқда. Мазкур иллатлардан ҳар бирининг келиб чиқиш сабаблари ва уларга мубтало бўлган кишиларнинг ҳам ҳар бири ҳусусида алоҳида, чуқур таҳлил олиб боришнинг мўъжаз бир мақолада имкони йўқ, албатта. Бироқ бу иллатларни кўриб-билиб туриб индамай туриш, уларга барҳам бериш учун қўлдан келганча ҳаракат қилмаслик ҳам мумкин эмас.

Жумладан, мамлакатимизда юз бераётган воқеа-ҳодисаларга ижтимоий тармоқларда билдирилётган муносабатлар орасида томошатабллик, “қанча ёмон бўлса, шунча яхши” позициясида туриб фикрлашдек хавфли тенденциялар кучайиб бораётгани ҳаммамизни сергак торттирмоғи шарт. Ўзлари са-

водли ёзиш, демакки, мантиқли, тўғри, холис фикрлай олишдек оддий инсоний хусусиятлар кўчасидан ўтмаган кимсаларнинг Ўзбекистон, бу ерда яшаётган миллионлаб халқ ва унинг имкониятлари ҳусусидаги тубан гапларини, афсуски, қанчадан-қанча ёшлар – катта умидлар ила ҳаётга кириб келаётган авлод ҳам ўқимокда, кўрмоқда ва таъсирланмоқда. Шу шароитда, бояги кимсаларнинг асл исми ва маконини ҳам, пировард мақсадини ҳам билиш имконига эга бўлмаган бу ёшлар дунёқараши айни таъсирлар остида шаклланиши эртага не оқибатларни келтириб чиқаришини ўйламоғимиз керакми-йўқми?

Ахир бу иллатлар ҳусусида туну кун фақат гапириш, соатлаб бесамара баҳс-мунозара олиб боришдан кўра, уларнинг ҳар бир кўринишига ўша жойининг ўзида барҳам бериш кўпроқ фойда беради-ку! Ўша иллатлар қандайдир бошқа ерлардан, кўз илғамас манзилларда эмас, сиз-у бизнинг шундоқ ёнимизда – ишхонамизда, маҳалламизда, кўчамизда юз бермоқда-ку! Уларни кимдир, недир бир валломат келиб тўғрилаб кетмоғи, чорасини кўрмоғи, жазосини бермоғига ишониб ўтириш фуқаролик жамиятининг қайси талаб ва меъзо-ларига тўғри келади?

Тўғри, ҳаётимиздан тобора чуқурроқ ўрин олаётган бозор муносабатлари кўплаб ота-оналарни фарзандларининг эртанги тақдирини жиддий ўйлаш, уларни илмли, ҳунарли қилишга, недир касб-корга ўргатишга дэвват этмоқда. Боласини қайси боғчага қачон бериш маъқул, соғлом ўсиши учун унга нима едириб, нимадан асраш керак, хорижий тиллардан қай бирини ўшиғигиданок билиб борса, эрта унга асқотади... сингари саволларни ҳозирдан ўйлаб, шунга мувофиқ бола тарбиялаётган оила-лар сони ортиб бораётгани – ҳаётини ҳақиқат.

Бироқ, афсуски, орамызда ота-оналиқни фақат бола туғиб-туғдириш-у, уларнинг қорнини тўйғазиб, деб тушунадиган одамлар ҳам кам эмас. Улар бола тарбияси бутун бир илм эканини, барча ривожланган мамлакатларнинг тараққиёти замирида айнан мана шу илмга қатъий амал қилингани ётганини ҳаёллари-га ҳам келтиришмайди.

Шу маънода, Абдурауф Фитратнинг бундан бир юз ўн йил олдин “Оила” рисоласида афсус-надомат ила битган, бизнинг фуқаролар боласининг тақдирига кўрасидаги қўйи ва сигири парваришича ҳам эътибор, ихлос кўрсатмаслиги ҳусусидаги ҳасратлари ҳали ҳамон ўз долзарблигини йўқотгани йўқ.

Ахир, пойтахт Тошкентдами, вилоятларда ёхуд узоқ-яқин хориждами, турли қурилишларда ишлаётган йигит-қизларнинг кўпчилиги фақат қора меҳнат қилаётгани, бошқа – яхши иш ҳақи бериладиган ҳунарлар қўлидан келмаслиги гоъят ачинарли ҳол эмасми? Ҳолбуки, ҳатто ўша қурилишларда ҳам электрик, пайвандчилик, слесарлик, пардозчиликнинг турли хиллари билан шуғулланадиган одамлар жисми-жони ортиқча қийналмай, асаби зўриқмай улардан бир неча баробар кўпроқ пул топпоқдалар-ку! Биз бир қисминигина эслаганимиз харидорталаб бу касб-кор эгаларининг ҳусусий секторда олаётган маошлари эса унча-мунча зиёли – олий маълумотли мутахассисниқидан кўп бўлса кўпки, асло кам эмас. Буни уйдаи шу соҳалар усталарини ишлатиб кўрган ҳар бир одам тасдиқлаши аниқ!

Бинобарин, бугун замонавий техника ва технологиялар – компьютерларнинг ўнлаб хиллари, уяли телефон аппаратларининг сон-саноксиз модификациялари, электромобиллар, бошқаруви компьютерлаштирилган автомашина ва минг турли маиший техникаларга хизмат кўрсатувчи, уларни бутловчи ва созловчи касб-кор эгаларига талаб ой сайин эмас, кун сайин ошиб бораётганини кўриб турибмиз. Ўзбекча қилиб тушуниришда, масалан, 50-60 минг долларга олинган автомашинасининг таъмири учун 300-500 долларни ким қизғонади-ю, шу таъмир иши қўлидан келади-ган устани ким хафа қилади?

Ёхуд уяли телефон аппаратларини соз-



Раҳмон ҚҶЧҚОР,
Тошкент давлат юридик университети
доценти в.б., филология фанлари номзоди

ловчи усталарга иши тушмаган кишининг ўзи бўлмаса керак. Сиз билан мен – бу соҳада ғирт “оми” одамлар аппаратнинг қаерига нима бўлган, нима қилса тузалади-ю, бу созловнинг нархи қанча бўлади, биламизми? Бор-йўғи икки квадрат метр жойда устахона очган уста йигит нари борса ярим соатлик иши учун бошқа жойларда бериладиган уч кунлик иш ҳақича хизмат нархини айтса, кўнгилдан чиқариб берамизми-йўқми? Нега бермайлик? Ахир бугунги кун кишиси шу матоҳ – қўл телефони-сиз ярим кунлик ҳаётини тасаввур қила оладими?..

Бундай ҳаётини мисолларни яна кўплаб келтириш, фикримизни янада асослашимиз мумкинки, биз бундан чекланамиз. Унинг ўрнига мана бу мантиқли, ҳаётини саволларни ўзимизга бериб кўрайлик: шу хилдаги касбларнинг чинакам эгаларига шу юртнинг ўзида иш, ризқ-рўз, эътибор ва эътироф топилмайдими?

Нахотки, боламиз 18-20 ёшга киргунча қадар мана шу – бугунги куннинг энг талаб катта ҳунарларининг ҳеч курси биттасини яхшилаб ўзлаштириб олишига эришиш шунчалар қийин? Ахир, республиканинг жами худудларида шу касб-ҳунарларни ўргатадиган коллеж ва техникумлар, ҳунар марказлари, ҳеч бўлмаганда, уларни шоғирдликка оладиган усталар, ҳунаремандлар сулоалари бор-ку. Мана шу йўлда икки-уч йил астойдил қилинган ҳаракат, кўрсатилган эътибор ва қўнг фарзандимизнинг бир умр “нони бутун бўлишига” сабабчи бўлиши мумкин-ку!

Зийрак ўқувчимиз мақоланинг шу ерига келганда, унга қўйилган сарлавҳага бир қараб қўйиб, бу гапларнинг жамият хавфсизлигига нима дахли бор, деган савол билан қизикаётганини ҳам сезиб турибмиз. Жавобимиз эса қўйдаги жиддий саволлар орқали англашилса, ажаб эмас.

Бугунги жамиятимизни безовта қилаёт-

ган, унинг хавфсизлигига ўта салбий таъсир етказиши тайин бўлган жиноятчиликнинг аксарият турлари – ўғрилиқ, талончилик, зўравонлик, гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, фоҳишалиқ, одам савдоси, контрабанда... сингари иллатларнинг тубида нима сабаблар ётибди? Айнан ўша қилимшларни ўзига эл кўрган кишиларнинг билимсизлиги, ҳунарсизлиги ортидан енгил ҳаёт излаши, тирикчилигини нима қилиб бўлмасин ўтказишга интилиши эмасми? Буларгина эмас, ўзга юртларга иш излаб бориб, ўша ерлардаги турли экстремистик гуруҳлар таъсирида юртига қарши қурол кўтаришгача бориб етаётган кимсалар мамлакат хавфсизлигига, унинг халқаро обрўсига чакана рахна соладими? Улар қилимшлари ортидан миллат шаъни, ғурури, ва ўзлари ҳақдаги бошқа халқлар тасаввурига етадиган захаларни тасаввур қиламизми?

Мақоламиз аввалида алоҳида санаганимиз – бир қисм юртдошларимиз феълида кўринаётган эл-юрти тақдирига лоқайдлик, ўзибўларчилик, вазифасига “мендан ўтгунча...” қабилида ёндашиш, ёш авлод – фарзандлари таълими ва тарбиясига масъулиятсизликдек хавфли иллатлар, охир-оқибат, мамлакат ва миллат хавфсизлигига гоъят катта зарар етказадик, улар бугунги кун ҳодисотларига очик кўз, бедор онг билан қарай оладиган ватандошларимизни бефарқ қолдириши мумкин эмас!

...Биз мўъжаз бу мақоламизда кимгадир ақл ўргатиш, тўғри йўлни кўрсатиш фикридан ийроқмиз, албатта. Асл мақсадимиз – суҳбатимиз бошида айтганимиз: бу дунёга келган ҳар бир инсон қатори сиз билан бизнинг ҳам зиммамизда бўлган бурч ва мажбуриятларни, бизни иссиқ бағрида ўстириб вояга етказган юрт, номини қўлатиб юрганимиз улуғ халқ олдидаги масъулиятимизни яна бир қарра эсла-тиш эди.

ХАЛҚ БИЛАН МУЛОҚОТ

ТАШАББУСЛАР ИЛГАРИ СУРИЛДИ, ЕЧИМЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

ЎЗЛИДЕР ФАОЛИЯТИНИ КУЗАТУВЧИЛАР ЯХШИ БИЛИШАДИ. ПАРТИЯНИНГ ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ФАОЛЛАР ВА МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШ ДЕПУТАТЛАРИ МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ ХАЛҚ, ТАДБИРКОР ВА БОШҚА ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ ҲУЗУРИДА МУНТАЗАМ УЧРАШУВЛАР ЎТКАЗИШИ АЖОЙИБ АНЪАНАГА АЙЛАНИБ ҚОЛДИ. ЭНГ МУҲИМИ, АНА ШУНДАЙ МУЛОҚОТЛАРДА ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИНИ ТЎҒРИДАН-ТЎҒРИ ЭШИТИШ, МАВЖУД МУАММОЛАРНИ ЖОЙИДА АНИҚЛАШ ВА УЛАРГА ЕЧИМ ТАКЛИФ ҚИЛИШ ИМКОНИ ПАЙДО БЎЛМОҚДА.

Ўтган ҳафтада парламент қўйи палатасига О'зЛиDeР-дан сайланган депутатлар ва бир гуруҳ фаоллар иштирокида Фарғона вилоятининг Марғилон ва Фарғона шаҳарлари, Тошлоқ ҳамда Қува туманларида жами 7 та учрашув ўтказилди.

Марғилон шаҳридаги Рақамли технологиялар марказида партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари раҳбарлари, ҳудудий аппарат вакиллари ва депутатлар билан уюштирилган мулоқотда аҳолини ўйлантриётган қатор муаммолар таҳлил қилинди. Марғилон кичик саноат зонасида бизнес фаолияти, ишлаб чиқариш самардорлиги ва тўсиқлар ўрганилди. Шу билан бирга, “Golden Valley Fasteners” МЧЖга таширф давомида тадбиркорлик субъектлари учун яратилган шароитлар билан танишилди.

Қува туманида жойлашган Томирқа ер устаскарлари-ни ривожлантириш илмий-амалий марказида фермерлар, деҳқон хўжаликлари ва депутатлар иштирокида мулоқот ўтказилиб, фаолиятдаги муаммолар, аҳоли бандлиги, шарт-шароитларни яхшилаш бўйича фикр алмашилди.

“Central Asian Medical University” хусусий олий таълим муассасасида тиббиёт мутахассислари ва депутатлар ишти-рокида хусусий тиббиёт соҳасидаги муаммолар, имконият-лар ва қўнунчилик ташаббуслари муҳокама қилинди.

Тошлоқ туманидаги мусика ва санъат мактабида тала-ба ёшлар, партия фаоллари, маҳаллий кенгаш депутатла-ри иштирокида камбағаллиқни қисқартириш, тадбиркор-лиқни ривожлантириш ва ёшлар учун имкониятлар яратиш бўйича мулоқотлар ташкил этилди.

Учрашувлар жараёнида аҳолини қийнаётган қатор аниқ ва ҳудудий муаммолар илгари сурилди. Жумладан, 5 та ихтисослаштирилган мактаб-интернат ва 6 та таълим муассасаси таъмирталаб ҳолатда эканлиги, қурилиш-таъ-мирлаш ишларига эҳтиёж юқорилиги аниқланди. Мулоқот давомида **Фарғона вилоятида махсус саноат зоналари фаолиятига оид қарор лойиҳаси** ҳамон тасдиқланмаган-лигига эътибор қаратилиб, мазкур жараённи жадаллашти-риш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Шунингдек, **Қувасойдаги “Ўзбекистон” божхо-на пости олдидаги ер** логистика маркази учун мўл-

жаллангани, ҳатто инвестор 35 млн доллар сармоя кириштишга ҳам тайёр экани маълум қилинди. Аммо ер тоифасини ўзгартириш бўйича муаммога ижобий ечим топилмаёттир.

Бундан ташқари, очик мулоқотда жорий йил якунига қадар Сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги 4,5 мингта суғориш қудуқлари учун электр энергияси тўловларини ушбу қудуқлардан фойдаланувчи фермер хўжаликлари ҳисобидан амалга ошириш вазифаси белгиланган. Мазкур топириқ ижросини таъминлаш мақсадида виллоятда мав-жуд 1 053 та суғориш қудуғи бўйича номма-ном раўйхат ту-зилди. Шундан, 914 таси фермер хўжаликларига, 113 таси эса аҳоли томорқаларига хизмат кўрсатади. Фермер хў-жаликларига тегишли қудуқлар юзасидан давлат-хусусий шериклик битимлари, далолатномалар ва шартномалар расмийлаштирилган.

80 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги 16 638 та хонадоннинг томорқаларига хизмат қилаётган 113 та тик суғориш қудуғи эса ЯТТ ва МЧЖларга шартно-ма ҳамда далолатнома асосида берилган. Бироқ электр энергияси учун тўловларни амалга оширишда аҳоли ўр-тасида муаммолар вужудга келмоқда. Бу эса ўз навбати-да томорқалардан самарали фойдаланиш имкониятини чекламоқда.

Учрашувларда Тошлоқ тумани “Қумариқ” МФЙдаги бўш турган тиббиёт муассасаси биносини давлат-хусусий шериклик асосида 100 ўринли хусусий клиника сифатида қайта ишга тушириш таклиф этилди.

Шунингдек, жойлардаги мулоқотларда **15 минг км коллектор-дренаж тarmoқларининг 40 фоизи қоникар-сиз ҳолатда экани қайд этилиб**, жумладан, 5-6 минг км очик коллекторлар мавжудлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, учрашувларда **Олтиариқ туманида сув таъминоти муаммолари** кескин танқид остига олиниб, 1 150 гектар майдонда сув таъминоти етарли эмаслиги, 300 гектар ер эса фойдаланилмай ётгани, **Фарғона шаҳрида 1 млн доллар қийматдаги замонавий лаборатория маркази лойиҳаси амалга оширилаётгани**, лекин руҳсатнома-лар ва шартномаларнинг кечикиши сабабли ишга тушиши



секин бораётгани, қолаверса, **Абдулла Қодирий маҳалла-сидаги 11 594 та хонадонда иситиш қувурлари таъмир-талаб**, 9 792 хонадонда эса умуман ички иситиш тизими мавжуд эмаслиги таъкидланди.

Бу муаммолар тасодиқий эмас, балки жойларда-ги ҳолатнинг умумлаштирилган манзарасидир. Муҳими, О'зЛиDeР депутатлари уларни “огрик нуқта” сифатида қайд этиш билан чекланиб қолмай, қўнунчилик орқали институ-ционал ечимлар таклиф қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, О'зЛиDeР қўнун ижодкорли-гида фақат ташаббускор эмас, балки ҳаётини муаммоларни ҳал этишда масъул сиёсий куч сифатидаги ўрнини кўрса-таётгани қувонарли. Фарғона вилоятига сафар давомида жамоатчилик томонидан илгари сурилган муаммолар ва

таклифлар асосида бир қатор қўнунчилик ташаббуслари илгари сурилди. Бунда ташаббуслар “партиядан халққа” эмас, “халқдан партияга” тамойили асосида шакллантири-либ, О'зЛиDeРнинг ижтимоий-сиёсий майдондаги таъсири-ни кенгайтириш, халқ билан мулоқотни тизимлаштириш ва сиёсий тафаккурни янгилашга қаратилган фаол қадамлар-дан бири бўлди.

Эътироф этиш жоизки, Фарғона вилоятида ўтказил-ган учрашувлар, жамоатчилик, ёшлар, тадбиркорлар ва фермерлар билан олиб борилган мулоқотлар натижасида аниқланган муаммолар бўйича қатор қўнунчилик таклифла-ри, амалий ечимлар ва ташаббуслар ишлаб чиқилди.

О'зЛиDeР матбуот хизмати

ИШЧИ ГУРУХ

Самарқанд – фақат тарихий мероси билан эмас, шунингдек, иқтисодий салоҳияти ва ижтимоий ривожланиши билан ҳам Ўзбекистоннинг муҳим ҳудудларидан бири. Айни дамда бу юрtnинг келажаги учун муҳим вазифаларни ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ишчи гуруҳи Самарқандда кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот, ўрганиш ишларини бошлади. Мақсад битта, яъни вилоятда тадбиркорлиқни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда сиёсий кучнинг парламент куйи палатасидаги фракцияси аъзолари ҳамда фаоллардан иборат ишчи гуруҳ аъзолари дастлаб партия туман ва шаҳар кенгашлари раислари ҳамда депутатлик гуруҳи раҳбарлари билан учрашув ўтказиб, маҳаллабай дастурларни ишлаб чиқиш, тадбиркорликка аҳолини жалб қилиш ҳамда маҳаллалар ва шаҳарларнинг йўл хариталари асосида жамоатчилик назоратини кучайтириш масалалари муҳокама қилинди, айрим масалаларга ечим топиш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ Самарқанд вилояти транспорт бошқармаси фаолиятини ўрганиш асосида жамоат транспортининг хизмат кўрсатиш ҳолати ва соҳада учраётган муаммоларни таҳлил этиш мақсадида тадбиркорлар ҳамда бошқарма масъуллари билан мулоқотда бўлди.

Масалан, бугун вилоят миқёсида жами 1 126 та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд бўлиб, аҳолига жамоат транспортининг 237 та йўналишида 600 та автобус, 20 та трамвай ва 160 та микроавтобус ҳамда 1 861 та “Дамас” русумли транспорт воситалари хизмат кўрсатмоқда. Шу билан бирга, вилоятда 75 та корхона 421 та енгил автомашинаси билан йўналишсиз такси хизматини тақдим этапти. Эътиборлики, тадбиркорлик субъектлари кўмағида жами 3 304 та транспорт воситаси халқимиз хизматида. 22 761 фуқаро ўзини-ўзи банд қилган ҳолда 23 485 та транспорт воситаси билан йўналишсиз такси сифатида фаолият юритмоқда.

Тадбиркорлар билан кечган учрашувда жамоат транспорти хизмати билан боғлиқ ўндан ортиқ муаммоли масалалар ишчи гу-

руҳ эътиборига ҳавола этилди. Бу, албатта, атрофлича ўрганишни тақозо қилади.

Яна бир йирик соҳа томонидан кўрсатилётган хизматлар ҳам ҳар доим турли баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келаётгани сир эмас. Бу бевосита Самарқанд ҳудудий электр тармоқлари фаолияти билан боғлиқ. Ишчи гуруҳ аъзолари мазкур корхонада бўлиб, вилоятда электр энергияси таъминотини яхшилаш ва янги лойиҳаларни амалга ошириш борасидаги ишлар билан танишди. Ҳозирда вилоятда 929 744 истеъмолчига 146 та подстанция, 14 174 та трансформатор пункти томонидан 33 094,2 километрлик электр тармоқлари орқали энергия етказиб берилмоқда. Ўрганишлар жараёнида айни пайтда трансформаторларнинг 36,4 фоизи ва электр узатиш тармоқларининг 48,3 фоизи фойдаланиш мuddатини ўтиб бўлгани ва техник жиҳатдан эскирган ҳолатда эканлиги маълум қилинди. Қўлбола электр тармоқлари, айниқса, Иштихон, Ургут, Пастдаргом, Нуробод ва Қўшрабoт туманларида кенг тарқалган бўлиб, бу ҳолат электр таъминотида барқарорлиқни таъминлашга тўсқинлик қилмоқда.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш учун давлат дастурларига ушбу маҳаллаларни киритиш ва уларни амалга оширишда ишчи гуруҳга амалий ёрдам бериш масалалари кўриб чиқилди. Шунингдек, қонунчиликка тегишли тартибда таклифлар киритиш ва маҳаллий миқёсда муаммоларни ҳал қилиш чоралари муҳокама этилди.

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси раҳбари Ақтам Хайтов бошчилигидаги гуруҳ Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмасида бўлиб, “Reimbursatsiya” тизими, “Электрон поликлиника” ва “Электрон шифохона” дастурларини амалга татбиқ этиш жараёнлари билан танишди. Маҳаллий депутатлар ва соҳа фаоллари иштирокида давра суҳбати ташкил этилди.

Шунингдек, Оқдарё туманидаги “Даҳбед”



МТП кичик саноат зонасида фаолият кўрсатётган “Hakim Bobo Grant” МЧЖ лойиҳалари билан яқиндан танишилди ва туманда ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари яратиш масалаларида тадбиркорлар билан мулоқот ўтказилди. Пайариқ туманидаги Халқобод маҳалласи ҳудудида ташкил этилган кичик саноат зонасида 50 дан ортиқ лойиҳа амалга оширилмоқда ва мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Ишчи гуруҳ иштирокида аҳолини банд қилиш, томорқадан самарали фойдаланиш ва камбағаллиқни қисқартириш бўйича Пайариқ тумани маҳалла уюшмаси ва “маҳалла етти-лиги” билан мулоқотда ҳудудлардаги эҳти-

ёжманд оилаларга амалий ёрдам кўрсатиш, ижтимоий муаммоларни бартараф этиш ҳамда бандликни таъминлашга алоҳида эътибор берилди.

Иштихон туманидаги “Maroqand Sifat Tekstil” МЧЖ кластер корхонасида сув тежовчи технологияларнинг пахта етиштиришдаги самараси ҳақида маълумот берилди. Бу технологиялар ҳар гектар ердан 40-45 фоиз сув тежаш имконини беради, шунингдек, агро-техника қоидаларига мувофиқ ишлов бериш ишларини кескин камайтиради. Шу йўл билан ҳосилдорлик ошиши таъминланмоқда. Иштихонда фермер хўжалиги томчилатиб суғориш тизимини жорий қилган бўлиб, бу давлат то-

монидан субсидия маблағлари билан рағбатлантирилган.

Жойларда ўтказилган учрашувлар давомида тадбиркорлар, фермерлар ва бошқа соҳа вакиллари томонидан ўнлаб муҳим таклифлар билдирилди. Партиянинг ҳудудий ташкилотлари ҳамда маҳаллий кенгаш депутатлик гуруҳлари мазкур жараёнга фаол жалб этилиб, ҳудудлардаги мавжуд муаммолар ўрганилди ва уларни бартараф этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

O'zLiDeP Самарқанд вилоят кенгаши матбуот хизмати

ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА

ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИДА

КИМГА ҲУҚУҚИЙ КЎМАК КЕРАК, КЕЛИНГ!

Бугунги кунда дунё миқёсида тадбиркорлик ривожига турли тўсиқлар мавжуд: бюрократик расмиятчиликлар, коррупция, банклар томонидан кредит ажратмаслик ёки унинг юқори фойзаларда берилиши, субсидия ва инвестиция имкониятларининг чекланганлиги тадбиркорлар учун жиддий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Инфратузилма етишмовчилиги, яъни электр энергияси, тоза сув, интернет каби хизматларнинг сифатсизлиги, транспорт ва логистика тизимининг етарлича ривожланмагани ҳам тадбиркорлик муҳитига салбий таъсир кўрсатмоқда. Солиқ юки, носоғлом рақобат, ҳуқуқий ҳимоянинг заифлиги муаммолари ҳам ишбилармонлар ишончини сўндирувчи асосий омиллардандир.

Ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини рағбатлантиришга қаратилган маслаҳат, ўқув курслари

ларидек, маҳаллий даражада айрим амалдорлар ўз манфаатини устун қўйиб, тадбиркорларга сунъий тўсиқ яратётгани сабаб, улар ёки ўз бизнесини бошлаш истагидаги ҳаюмортларимиз кундалик фаолиятларида турли тўсиқлар ва тушунмовчиликларга дуч келишмоқда. Бу эса ортиқча сарсонгарчилик, қимматли вақтнинг йўқотилиши, иш бошлашдаги безовталиқ ва ҳеч бир сабабсиз юзага келаётган асабузарликка сабаб бўлмоқда.

Айнан шундай вазиятларда тадбиркорга “ҳорманг” дейиш, унга беминнат ёрдам кўрсатиш, уни қўллаб-қувватлаш – нафақат ижтимоий масъулият, балки амалдаги ислохотлар мазмун-моҳиятига ҳамоҳанг ёндашув эканини англатади.

Шу мақсадда O'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши ёшлар масалалари ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими ҳамда партиянинг Жиззах шаҳар кенгаши томонидан “Тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжалиқларига ҳуқуқий ёрдам” акцияси доирасида очик мулоқот ташкил этилди.

бораётган тадбиркорлар, фермер ва деҳқон хўжалиқлари ҳамда бизнес бошлаш истагидаги фуқароларга қонунчиликдаги янгиликларни етказиш, улар дуч келаётган муаммоларга тегишли ташкилотлар иштирокида ечим топиш, берилган имтиёзлар ва давлат қўллаб-қувватлаш чоралари ҳақида маълумот бериш ҳамда ҳуқуқий ёрдам кўрсатишдир. Шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида фойдаланиш учун фуқароларнинг фикр ва таклифларини умумлаштириш ҳам кўзда тутилган, — дейди O'zLiDeP Жиззах вилоят партия ташкилоти ёшлар масалалари ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўлими мудири Сирожиiddин Ахматов.

Самимий ва очик мулоқот руҳида ўтган тадбирда тадбиркорлар, фермерлар ва ёшлар ўзларини қийнаётган масалалар, амалиётда юзага келаётган тўсиқлар ҳақида сўз юритишди. Мулоқот давомида ўн бешдан ортиқ мурожаат тингларлар, уларни жойида ҳал этиш юзасидан тегишли чоралар белгиланди.

Мисол учун, Шароф Рашидов туманидаги “Элсевар Диёр” фермер хўжалиги раҳбари Мавжуда Ибрагимова суғорилмайдиган ер майдонлари учун белгиланган солиқ ставкалари юқорилиги юзасидан норозилик билдирди. Жиззах шаҳридаги “Алишер Навоий” МФЙда яшовчи Акбар Маматкулов эса якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун барча ҳужжатларни тайёрлаб, банк кредитини кутаётганини, бироқ кредит ажратилмасидан олдин унга солиқ ҳисоблана бошланганини билдириб, амалий ёрдам сўради.

– Ҳали кредит олганим йўқ, фаолиятни ҳам бошламаганман. Қандай қилиб бу ҳолатда солиқ тўлашим мумкин? – дейди у.

Амир Темур маҳалласидан Дилшод Ҳусанов – “Зухра она Мехринисо” фермер хўжалиги раҳбари эса кредит олишда юзага келган муаммолар ҳақида сўз юритиб, шу ернинг ўзида муаммоларига ечим топди.

Юзма-юз мулоқотда билдирилган барча мурожаатлар мутахассис ва мутасадди ташкилотлар иштирокида муҳокама қилиниб, таҳлил этилди. Уларни бартараф этиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

Энг муҳими, тадбирда билдирилган фикр ва таклифлар партия вакиллари томонидан умумлаштирилиб, қонун ижодкорлигида инobatга олиниши таъминланади. Шу билан бирга, кўтарилган муаммолар тегишли идоралар томонидан назоратга олинади.

Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ,
“XXI asr” мухбири



ва менторлик дастурларининг етарли эмаслиги, айрим жамиятларда шаклланган салбий стереотиплар тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлмоқда. Шу билан бирга, сиёсий-иқтисодий беқарорлик, инфляция ва валюта курсларидаги ўзгаришлар ҳам хатарни оширмоқда.

Мамакатимизда сўнгги йилларда тадбиркорлиқни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, бизнес юритиш учун қулай муҳит яратиш борасида катта ислохотлар олиб борилмоқда. Хусусан, ҳуқуқий база янгиланди, имтиёзли кредитлар, субсидиялар ажратиш тизими такомиллаштирилмоқда, “бир дарча” хизматлари жорий қилинди ва бу жараён узлуксиз давом этмоқда.

Бироқ “Гуруч курмакисз бўлмайди” деган-

Ушбу йиғин тадбиркорлар дардига дармон бўлиш, муаммоларни амалий ҳал этишга қаратилгани билан муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мулоқотда O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси масъул ходими Шерзод Салимов, партия Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари Шерзод Маматкулов, маҳаллий кенгаш депутатлари, фаоллар, тадбиркор ва фермерлар, ўз бизнесини бошлаш истагидаги ёшлар билан бирга, адлия бошқармаси, савдо-саноат палатаси, солиқ, кадастр, банк тизими каби тадбиркорлар фаолияти билан бевосита боғлиқ ташкилотлар вакиллари ҳам иштирок этди.

– Мақсадимиз вилоятимизда фаолият олиб

“СУВ – ТЕКИН”
ДЕГАН ЗАМОН
ЎТДИ!


Халқ депутатлари Вобкент туман кенгашидаги O'zLiDeP депутатлик гуруҳининг навбатдаги йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилган ишлар атрофлича муҳокама қилинди.

Дастлаб депутатлик гуруҳи раҳбари Тўлқин Жўраев ахборот берди. Сўнг эса туман “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси директори Бобир Миржонов минбарга чиқиб, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, канал ва ирригация тизимларини модернизация қилиш, сув тежовчи технологияларни жорий этиш ишлари, хусусан, аҳоли онгида шакллланган “сув – текин” деган беъазни қарашдан воз кечиш, оби ҳаётни аниқ ҳисобга олиш хусусида ўз қузатувларини баён қилди. Маърузачи изоҳлаганидек, мазкур муассаса тасарруфида жами 182,43 км узунликдаги хўжалиқлараро каналлар мавжуд бўлиб, уларда 19 та гидроузел, 90 та гидротехник иншоот ва шунча гидротехник фаолият кўрсатмоқда. Ички суғориш тармоқларини бетонлашга

ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани сабабли сув сарфини қисқартириш ва ундан мақсадли фойдаланиш имкони яратилмоқда.

Йиғилишда маҳаллий кенгаш депутатлари Т. Жўраев, М. Наимова, партия туман кенгаши аппарати раҳбари Б. Одилов, партия фаоли Х. Рўзиев ва бошқалар ҳам бу тизимда ютуқлар билан бир қаторда, ҳали-ҳануз ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлигини таъкидладилар. Эътиборли жиҳати, муҳокама этилган бу долзарб масала халқ депутатлари туман кенгашининг навбатдаги сессияси муҳокамасига киритилиши юзасидан қарор қабул қилинди.

Асқор ИСТАМОВ,
“XXI asr” мухбири



O'ZLiDeP ЛОЙИҲАЛАРИ

МАЪНАВИЙ ИММУНИТЕТ

МИГРАЦИЯ ВА БАНДЛИК

Ўзбекистон
Либерал-
демократик
партияси Сийёсий
Кенгаши Ижроия
қўмитасида
“Миграция ва
меҳнат бозорини
тартибга солиш
масалалари”
мавзусидаги давра
суҳбати бўлиб
ўтди. Йиғилишда
O'zLiDeP
фаоллари, соҳа
мутахассислари,
вазирлик,
идоралар,
хусусий бандлик
агентликлари
вакиллари ҳамда
жамоатчилик
ташкилотлари
иштирок этди.



Тизимдаги долзарб муаммоларни бир-
галикда ўрганиш ҳамда бу борада ҳуқуқни
қўллаш амалиётини янада такомиллашти-
риш бўйича таклифлар тайёрлашга бағиш-
ланган тадбирда мамлакатимизда меҳнат
миграцияси, ички ва ташқи иш ўринлари,
шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашга
қаратилган амалий чора-тадбирлар муҳока-
ма қилинди.

– Сўнгги йилларда юртдошларимиз
учун хорижда меҳнат қилиш имкониятлари
кенгайди, бироқ айна жараёнда ҳуқуқий
ҳимоя, меҳнат шартномалари, иш берувчи
билан муносабатлар каби мураккаб маса-
лалар ҳам мавжудлиги сир эмас, – деди
O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўми-

таси Амалий лойиҳалар ва сиёсий таълим
маркази раҳбари Насимжон Алимов. – Шу
боис фуқароларга бундай вазиятларда
қандай чоралар кўриш кераклигини ўр-
гатиш, ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш
ва хориждаги ватандошларимизга инсти-
туционал кўмак бериш масаласи партия-
нинг ўз олдига қўйган асосий мақсадла-
рига айланган. O'zLiDeP ташаббуси билан
жойларда янги иш ўринларини яратиш,
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ай-
ниқса, ёшлар ва аёллар бандлигини оши-
риш масалаларига алоҳида эътибор қара-
тилмоқда. Лойиҳа доирасида мутасадди
вазирлик, идора, хусусий бандлик агент-
ликлари, ҳудудий кенгашлар ва маҳаллий

партия ташкилотлари билан ҳамкорликда
амалий тадбирлар ўтказиш режалашти-
рилган.

Тадбир давомида “Миграция ва банд-
лик масалалари” лойиҳаси ижросини таъ-
минлаш бўйича ишчи гуруҳ тузилиб, соҳа-
даги долзарб муаммоларни ўрганиш ҳамда
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга таклифлар
тайёрлаш бўйича вазифалар белгилаб олин-
ди. Доимий равишда аҳоли фикрини ўрганиб
бориш ва фуқаролар билан очиқ мулоқотни
кучайтириш мақсад қилинди.

Алишер ИСМОИЛОВ,
O'zLiDeP Амалий лойиҳалар ва сиёсий
таълим маркази бош мутахассиси

Олий таълим
даргоҳида таҳсил
олиб юрган
пайтларим кекса
устозимдан
эшитган ушбу
сўзлар ҳамон
қулоғим остида
жаранглаб туради:
“Пора билан
диплом олган
шифокор – жаллод,
пул эвазига
ўқитувчи бўлган
инсон эса халқ
душманидир”.



Абдурасул МАНСУРОВ,
Ғиждувон туман мактабгача ва
мактаб таълими бўлими бош мутахассиси,
O'zLiDeP фаоли

ТАЪЛИМ ТАЪМАСИЗ БЎЛМОҒИ КЕРАК

Ростдан ҳам, агар кимдир пора олса
ёки берса, қандайдир манфаатга эришиш
учун коррупцияга қўл урса, демак, ўз ўтир-
ган шохини арралабди, дегани. Ачинарлиси,
бу шохда фақат ўзи эмас, балки фарзандла-
ри, бутун жамият ва халқ ҳам ўтирибди – шу
ни унутмаслик лозим.

Чунки таълимдаги коррупция имтиҳон-
лар, қабул жараёнлари ва баҳоларнинг со-
хталашувига олиб келади. Бу эса ҳақиқий
билимли ва қобилиятлиларга йўл бермай-
ди, сифатсиз кадрларнинг кўпайишига, ян-
ги ғоя ва инновациялар йўлида тўсиқлар
пайдо бўлишига сабаб бўлади. Натижада
ёшлар онгида “ҳар нарса пул билан ҳал
бўлади” деган хато ва хатарли фикр шакл-
ланади. Шундай экан, таълимдаги ҳар бир
порахўрлик фақат бир шахснинг эмас, бу-
тун жамиятнинг ботқоққа ботишига хизмат
қилиши мумкин.

Хайриятки, юртимизда коррупция-
га қарши кураш йил сайин жиддий тус ол-
моқда. Айниқса, Президентимиз ташаббуси
билан мамлакатимизда барча соҳаларда,
хусусан, таълим тизимида шаффофликни
таъминлаш, адолат ва қонун устуворлиги-
ни қарор топтириш борасида амалий ишлар
қилинмоқда. Мактабгача ва мактаб таълими
соҳаси ҳам бу жараёндан мустасно эмас.
Жамият тараққиётининг таянчи саналган
таълим тизимидаги ҳар қандай салбий ил-
латларга қарши муросасиз муносабат шакл-
лантириш бугунги куннинг долзарб вазифа-
ларидан бири ҳисобланади.

Айниқса, коррупция инсон қадрини
камситувчи, жамиятнинг илдам ривожлани-
шига тўсиқ бўлувчи хавфли иллат сифатида
алоҳида эътибор талаб қилади. Бу борада
Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва
мактаб таълими вазирининг буйруғи ижро-
си доирасида Ғиждувон туманидаги мактаб-
гача ва мактаб таълими тизимида муҳим

ишлар амалга оширилди.

Тумандаги таълим ташкилотларида
кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишлари
олиб борилди. Таълим муассасалари фао-
лиятида шаффофликни таъминлаш, корруп-
циявий хавф-хатарларнинг олдини олиш,
келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитла-
рини бартараф этиш борасида аниқ чора-
лар белгиланди. Коррупцияга қарши муро-
сасиз муносабатни шакллантириш, ҳуқуқий
онг ва маданиятни юксалтириш, одоб-
ахлоқ қоидаларига амал қилиш масалалари
атрофлича муҳокама этилди. Бундан ташқа-
ри, “Ёшлар коррупцияга йўқ дейди” шиори
остида расмлар ва “Биз коррупцияга қар-
шимиз!” мавзусида иншолар танлови ҳамда
“Стоп коррупция” ҳештеги остида челленж-
лар ўтказилди. Ушбу тадбирлар орқали
болалар ва ўсмирлар онгида коррупцияга
нисбатан муросасиз муносабатни шакллан-
тириш мақсад қилинди.

Барча тадбирлар оммавий ахборот
воситалари ва ижтимоий тармоқларда кенг
ёритиб борилди. Вазирлик ва тегишли таш-
килотлар томонидан тайёрланган қўллан-
малар, видеолавҳалар ва тақдимотлар eдо.
ijro.uz орқали барча таълим ташкилотларига
электрон шаклда етказилди. Бу орқали ти-
зимдаги ҳар бир ходим ва таълим муассаса-
си раҳбарлари коррупцияга қарши курашиш
механизмлари, уларнинг ҳуқуқий асослари
ва зарур чоралар ҳақида янада тўлиқ маъ-
лумотга эга бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Ғиждувон ту-
манида амалга оширилаётган чора-тадбир-
лар таълим тизимида коррупцияга қарши
курашишда тизимли ёндашув мавжудлигини
кўрсатмоқда. Мазкур жараёнда фақатгина
назорат эмас, балки кенг қамровли тарғи-
бот, ҳуқуқий саводхонлиқни ошириш ва
ёшларда ҳалоллик руҳини шакллантиришга
алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ИСЛОҲОТ

ХАВФСИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ КАФОЛАТИ

Юртимиздаги аграр
ислохотлар халқ фаровонлиги
ва озиқ-овқат хавфсизлигини
таъминлашга хизмат қилмоқда.
Бугунги кунда “деҳқон – ер
султони, ер – хазина, сув –
гавҳар” деган халқ мақоли янада
долзарб тус олди. Президентимиз
ташаббуси билан амалга
оширилаётган чора-тадбирлар
фермер ва деҳқон хўжалиқларини
қўллаб-қувватлаш, замонавий
технологияларни жорий этиш
орқали, ерни боқсанг, ер элни
боқар, деган ҳаётий ҳақиқатни
рўёбга чиқармоқда. Бу жараёнда
халқимизнинг анъанавий ҳаёт
тарзига айланган томорқачилиқни
қўллаб-қувватлашга ҳам алоҳида
эътибор қаратилмоқда.



Хусусан, Президентимизнинг 2018 йил
26 апрелдаги “Фермер, деҳқон хўжалиқлари
ва томорқа ер эгалари фаолиятини такомил-
лаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар
тўғрисида”ги қарори соҳани ривожланти-
ришда муҳим дастуриямал бўлиб хизмат
қилмоқда. Мазкур қарор асосида Ўзбекис-
тон фермер, деҳқон хўжалиқлари ва то-
морқа ер эгалари кенгаши ҳузурида махсус
Жамғарма ташкил этилган эди.

Бугунги кунда Жамғарма томонидан
фермерлар, деҳқон хўжалиқлари, “Томорқа
хизмати” МЧЖ ва қишлоқ хўжалиги корхо-
наларини молиявий қўллаб-қувватлаш, ин-
новация ечимлар жорий этиш, янги маҳ-
сулот турларини етиштириш ва замонавий
технологияларни қўллаш йўналишларида
кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.
Жамғарма мамлакатимизда қишлоқ
хўжалигини ривожлантиришга хизмат қи-
лувчи давлат, тармоқ ва ҳудудий дастур-
лар, лойиҳа ҳамда тадбирларни амалга
оширишда фаол иштирок этмоқда. Маса-
лан, ўтган давр мобайнида 128 мингдан
зиёда лойиҳага 2 трлн 580 млрд сўм моли-
явий ёрдам кўрсатилган бўлса, 2025 йил-
нинг биринчи ярмида ушбу кўрсаткич 65,7
млрд сўмни ташкил қилди.

Ажратилган маблағлардан 42,6 млрд
сўми фермер хўжалиқлари ва қишлоқ хўжа-
лиги корхоналарига кредит сифатида, 0,8

млрд сўми МЧЖлар устав капиталига, 2,3
млрд сўми лизинг хизматларига, 20 млрд
сўми эса аҳоли томорқаларида артезиан
кудуқлар учун субсидия сифатида йўналти-
рилди. Бу орқали 220 дан зиёд хўжалик билан
ҳамкорликда экин экиш, қайта ишлаш,
сақлаш ва экспорт ишлари амалга оширил-
ди.

Масалан, жорий йил 9 июнда Са-
марқанд вилояти Ургут туманидаги “Неъ-
матжон Холмуродов замини” фермер хў-
жалигига 765 млн сўм миқдорида кредит
ажратилди. Мазкур маблағлар эвазига фер-
мер хўжалик томонидан “Беларус-1025.3”
ҳайдов трактори ҳамда ловия ўрувчи осма
комбайн сотиб олинди.

Кредит маблағлари ҳисобидан харид
қилинган қишлоқ хўжалиги техникалари
ёрдамида тумандаги Янгиҳаёт, Қайроқли,
Юқори Қайроқли ва Мустақиллик маҳалла-
ларида жами 500 та хонадонга тегишли 50
гектар томорқа ерлари ҳайдалиб, қишлоқ
хўжалиги экинлари экишга тайёрлаб берил-
ди. Натижада ярим миллион квадрат метрни
ташкил этувчи аҳолига тегишли томорқа ер-
ларига қишлоқ хўжалиги экинлари ўз вақти-
да экиб чиқилди. Жумладан, 15 гектар май-
донга сабзавот, 2 гектарга полиз экинлари,
13 гектарга картошка, 10 гектарга дуккакли
ва мойли экинлар, қолган 10 гектарга эса
бошқа турдаги экинлар экилди.

Шу билан бирга, фермер хўжалиги то-
монидан тумандаги 30 та фермер хўжалиги
ва қишлоқ хўжалиги корхоналари билан
ҳамкорликда ерларни шудгорлаш, дуккакли
экинларни ўриб йиғиш ҳамда пресслаш
ишлари амалга оширилди. Ажратилган кре-
дит маблағлари ҳисобидан фермер хўжали-
ги томонидан қўшимча 4 та мавсумий ва 2 та
доимий иш ўрни яратилди.

Республиканинг турли ҳудудларида
1 052 тонналик 4 та маҳсулотни қайта
ишлаш, саралаш ва қадоқлаш цехлари таш-
кил этилиб, йиллик 10,3 минг тонна маҳсу-
лотни советкич омборларда сақлаш имкони
пайдо бўлди. Шу орқали мавсумда бозор-
ларда тақчилликнинг олдини олиш ва нарх
барқарорлигини таъминлаш режалашти-
рилган. Яна 20 минг тонна маҳсулотни қайта
ишлаш ва экспорт қилиш кўзда тутилган.

Асосий мақсадимиз – мамлакатимизда
фермер, деҳқон хўжалиқлари ва қишлоқ хў-
жалиги корхоналарини моддий-иқтисодий
қўллаб-қувватлаш орқали хавфсиз озиқ-
овқат таъминотини таъминлаш ҳамда аҳоли
бандлигини янада оширишдан иборатдир.

Маъруфжон ЎРОЗОВ,
Фермер хўжалиқларини
қўллаб-қувватлаш
жамғармаси бош мутахассиси

ХАБАРНОМА

ЭЪЛОН

Ушбу хабарнома “**SANOAT ISHLAB CHIQARISH VA BUTLASH**” масъулияти чекланган жамияти томонидан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 49-моддаси 1-қисми ва 2001 йил 6 декабрдаги 310-II-сонли “Масъулияти чекланган жамиятлар тўғрисида”ги қонуннинг 53-моддаси 1-қисмига асосан тақдим этилмоқда.

2025 йил 17 июлдаги 7-сонли қарорга асосан, “**SANOAT ISHLAB CHIQARISH VA BUTLASH**” МЧЖ фаолиятини тугатмасдан, **қайта ташкил этилиши (реорганизация)** тўғрисида қарор қабул қилинди.

Шу муносабат билан янги юридик шахс ташкил этилмоқда.

Қайта ташкил этилган юридик шахс номи: “**SITAN PROPERTY MANAGEMENT**” хусусий корхонаси.
Манзили: **Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, “Янги Давр” МФЙ, Жарқўргон кўчаси, 76-уй.**

Қайта ташкил этилиш жараёни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади. “**SANOAT ISHLAB CHIQARISH VA BUTLASH**” МЧЖнинг айрим ҳуқуқ ва мажбуриятлари янги ташкил этилган ХК “**SITAN PROPERTY MANAGEMENT**”га ўтказилади.

Кредиторлар диққатига!

Қонунчиликка мувофиқ, ўз талабларингизни белгиланган тартибда қуйидаги манзил ёки алоқа тармоқлари орқали тақдим қилишингиз мумкин.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, “Янги Давр” МФЙ, Жарқўргон кўчаси, 76-уй.
Телефон: +998 90 176-52-84
E-mail: chiqarish@bk.ru

БОБОЛАР ИЗИДАН...

Озарбойжонга сафар:



Сафаримиз таҳликали вазиятга тўғри келди. Озарбойжоннинг жанубий қўшниси Эрон осмонида ракеталар тутуни ҳали тарқаманган эди. Шимолдаги гегемон давлат билан муносабат ҳам таранглашган палла. “Постсовет” мамлакатларига сиёсий босим ўтказиш учун меҳнат муҳожирларига зўравонлик қилинишига қўниқиб қолинган. Одатда бунақа найрангларга ён берилади, куч томони ғаразли ниятига эришади. Бироқ Боқунинг дадил жавоби барчани шошириб қўйди (отдан тушса-да, эгардан тушмаётганларни ҳам), усул сирганини очик-ойдин кўрсатди. АҚШ хавфсизлик нуқтаи назаридан ўз фуқароларига Озарбойжонни тарк этишни тавсия этаётгани сиздирилди. Хуллас, вазият қалтислиги ҳақида тўғри-нотўғри хабарлар урчиётган бир пайтда “шамоллар шаҳри” томон ишонч билан парвоз қилдик. Ишончимизга асос бор эди...

УМИД МУАЛЛИМНИНГ ДАРДИ ДУНЁСИ

Бизни Ҳайдар Алиев номидаги халқаро аэропортда ҳали кўпимизга нотаниш Умид муаллим кутиб олди. Ўрни билан айтиб кетай: унинг касб-кори ўқитувчилик эмас, балки бу ўлкада илмли ва ҳурматли зотларни исмига “муаллим” сифатини кўшиб эъзозлайдилар.

– Сиз ўз уйингизга келдингиз!
Озарбойжон Сизнинг ҳам ватанингиз! Қайси эшикни қоқманг, Сизга акроболарингиз пешвоз чиқади.

Умид муаллимнинг илк сўзлариданоқ кўнглимиздаги муҳамлик, бегонасираш ҳислари тумандай тарқади. Бир ҳафталик сафаримиз давомида унинг гапи шунчаки мулозамат эмаслигига бот-бот ишонч ҳосил қилдик.

Аэропортдан чиқишимиз билан йўл четларида ҳилпирётган Ўзбекистон ва Озарбойжон байроқлари қадрдонлик ҳиссини чандон оширди. Кўк, қизил, оқ ва яшил ранглари, ой ва юлдузлари... тилимиз, дилимиз, динимиз, тарихимиз ва томиримиз бирлигини таъкидлаб турарди.

Шаҳар кўчаларидаги саранжомлик ва айни пайтда махсус хизматчиларнинг муҳим ҳодиса арафасидаги бесаранжомлиги. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташрифи кутилаётган эди ўша кунлари. Озарбойжон халқининг сиёсий фаоллигига қойил: кўча-кўйда, йўлда-чўлда киракка, сотувчи, ошпаз, йўловчи, олими, шоир, ёзувчи... расмий-норасмий йишлар билан воқеалардан хабардор қилиб борди. “Президентингиз ҳам бугун Боқуга келар экан-ку!”, “Ўзбекистон элчихонасининг янги биноси очилди”, “Оқ шаҳар мавзесида “Ўзбекистон” боғига тамал тоши қўйилди”, “Шавкат Мирзиёев ҳозир Хонкенди шаҳрида!”, “...Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти саммитида қатнашяпти”. Биз эшитган шу каби хабарлар оддий одамларнинг самимий ҳис-туйғуларига йўғрилгани билан янада қийматли эди.

Айниқса, Ўзбекистон томонидан 2023 йили Фузулий шаҳрида қурилган Мирзо Улуғбек номидаги мактаб тилларда достон. Эсламаган одам қолмади. Бир бор бориб кўрмаганлар ҳам оғзидан бол томиб мактади. Қорабоғдаги энг йирик умумтаълим маскани экан. Юзлаб озар болалари ўқияпти, келажакка оппоқ орзулар қияпти. Озарбойжоннинг қудрати бундай бинолардан мингасини қуришга етади, албатта. Гап шундаки, ишғолдан озод этилган ҳудудда қардош мамлакат томонидан мактаб барпо қилинганда жуда катта рамзий маъно кўрилоқда. Ўзбек халқининг тинчликпарвар, маърифатпарвар қалбини тамсил этиб турибди бу ошён!

Қорабоғ манзили мактаб дарсликларимиздан Амир Темури номи билан боғлиқ ҳолда ҳаммамизга таниш. Кейинги ўттиз-ўттиз беш йилда Озарбойжоннинг дарди дунёсига ва шараф-шонига айланиб кетди Қорабоғ. Фаторат толган қизил империя энг сўнгги фитналаридан бирини шу ерда амалга оширди. Оқибатда бугун мамлакатда бирор оила йўқки, кўнглида Қорабоғ фожиасидан қора доғ қолмаган бўлса. Озар элининг ҳар бир суҳбати бориб-бориб, албатта, Қорабоғ хотираларига уланади. Шаҳидлар ёдга олинади: кимнинг отаси, кимнинг акаси, боласи...

“Биз ҳам маънан шаҳидмиз! Ичдан шаҳидмиз!” деганида Умид муаллимнинг шоир юраги ҳақида ўйлаб қолдим. У 1961 йили Фузулий районидан туғилган. 1982–1987 йиллари Москвадаги Адабиёт институти поэзия бўлимида таҳсил олган. Сўнг Озарбойжон Ёзувчилар иттифоқи нашри – “Адабиёт ва инжасанъат” газетасига ишга кириди. Мамлакатда алғов-далғовли кунлар бошланиб, миллатга шоирдан кўра жангчи кўпроқ зарур бўлиб қолади. Ватан сендан қон, жон сўраганида “гул”га “булбул”ни қофия қилиб юриш ярашмайди.

Собиқ Иттифоқнинг парчаланиши асносида этник можаролар авж олгани ёдимизда. Ўша фожиалар бизда сиёсий қуролга айлантирилмагани оқилона қарор бўлган. Халққа тез-тез эслатилиб, иззат-нафси билан ўйнашиш яхшилиқка олиб бормасди, албатта. Кавказда ҳам муаммолар етарли эди. Минтақа 1813 йилдан оқлодшо таъсирига ўтган, эчки юз йил мобайнида диний ва миллий қарама-қаршиликлар “парвариш” қилиб келинди. Заққум оғочи ХХ аср



адоғида заҳарли мевалар тугди. Умид Мирзаевнинг кўз ўнгида миллий фожиалар занжири рўй берди. Озарбойжон таркибидаги Тоғли Қорабоғ мухтор вилояти мустақил республикаликни даъво қилди. Мамлакат ҳудудий яхлитлигига дарз кетди. Қўшни давлат гегемон кучлар кўмағида қўшимчасига яна етти районни босиб олди. Этник тозалаш, миллий қирғин уюштирилди. Айниқса, Хўжали қабохати бутун дунёни ларзага солди. Ишғол этилган ҳудудлардан ярим миллион аҳоли уй-жойини ташлаб, бош олиб кетишга мажбур бўлди. 1994 йили Озарбойжон сарҳадларининг бешдан бирини бой берган эди.

Умид муаллим ҳақсизликларни кўриб турар, бироқ хориж оммавий ахборот воситалари тескари маънода хабарлар тарқатаётганига ҳайрон боқарди. Жаҳон афкор оммасига оқни қора, мазлумни золим деб тақдим этишларига чидай олмасди. Аммо чорасиз эди. Журналистика фақат назарий китобларда ҳолисликни сақлаши, амалда эса манфаатлар ўйинига хизмат қилишини англади. Ахборот катта куч эканини танасида ҳис этиб кўрди. Ахйри 1992 йили Халқаро Евроосиё матбуот фондида асос солди. Турли давлатлардан журналистларни жалб қилиб, Қорабоғ фожиасининг атрофлича ёритилишига, ичқаридаги асл вазият ҳақида халқаро доираларда ҳаққоний тасаввур шаклланишига ҳисса қўшди. Нодавлат фонд бугун кенг қанот ёйган, фаолият доира-си ва жузурфий кўлами ҳам кенгайган. БМТ тузилмалари, Европа Комиссияси каби нуфузли халқаро ташкилотларнинг доимий ҳамкори ҳисобланади.

– Жудаям қийин кунларни бошдан кечирдик. Рост, аввалгига ёлғизланиб қолдик. Ёш мустақил давлатлар ўз муаммолари билан андармон эди, тўғри тушуниш мумкин. Бироқ қардош мамлакатлар ҳамиша ўзимизда эканини ҳис этдик. Айниқса, ўзбек халқи доим биз билан биргалигини ҳам расмий, ҳам норасмий доирада намён этиб келди. Бу юртнинг етакчиларидан тортиб, оддий аҳоли вакилларигача ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Эътироф этиш лозим, Озарбойжоннинг ҳудудий яхлитлигига эришиш йўлидаги ўттиз йиллик му-жодаласи ва 2020, 2023 йилги ғалабаларида ҳуку-мат, мудофаа ва бошқа соҳа вакиллари қатори Умид муаллим сингари зиёлиларнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Миллат ойдинларининг миссияси ғояни тирик сақлаш, халқнинг қалбидаги чўғни ўчириб қўймас-лик, бунинг учун такрор-такрор айтиш, ёзиш, чизиш... ижод қилишдан иборат.

Дарвоқе, ҳамроҳимиз айтиб берган бир воқеа бизга Чингиз Айтматовнинг “Асрга татигулик кун” ро-мани мотивларини эслатиб юборди. Отаси майитини Фузулийдаги қабристонга қўйишни васият қилган экан. У пайтлар вазият ҳамон қалтис эди. Қанчалик қийин бўлмасин, отанинг сўнгги сўзи ерда қолмасли-

ги керак. Эплади. Жасадлари ҳам Ватан учун кура-шадиган миллатни енгиб бўладими?!

Ишғолдан қарийб ўттиз йил ўтиб она шаҳри Фузулийга борган Умид муаллим нималарни кўрди? Буткул вайронага айланган, фақат бетонлари қол-ган ота ҳовлисини, марҳум бобосининг қабртошдаги яккаю ягона сурати ҳам кўпориб ташланганини, бо-лалигида тирик кўрган қариндош-уруғларининг топ-талган қабрлари, кўзлари ўйиб олинган расмларини, таниб бўлмас хароба ҳолидаги мактаблар, кутубхо-налар, хибонлар, дўконларни... Фузулий шаҳрининг кейинги йиллардаги тикланиш даври ҳақида сўзла-ганида эса Ўзбекистон қуриб берган Мирзо Улуғбек номидаги мактабни, албатта, яна бир бор эслатиб ўтишни қанда қилмайди.

Улуғ маърифатпарвар шоирлардан Мирза Алакбар Собир (1862–1911) ҳайкалини зиёрат эт-дик. Майдоннинг орқа томони Ичкари шаҳар, қа-димий қалъалар. Ўнг тарафда эса ХХ аср бошида қурилган маҳобатли бино, ҳозир Озарбойжон Фан-лар академияси жойлашган. Шундай қилиб, ёд-горлик ўрнатилган ер ҳам мажозий маънога эга. Худди шоир мумтоз шеърини анъаналар йўлида ўз замонасининг ўткир муаммоларини кўтариб чиққа-нига ишора қилаётгандек. У ҳажвий шеърлари би-лан шухрат қозонган. Ижодида айирмақашликнинг барча кўринишларини қоралаган. Масалан, “Му-сулмон-ла арманилар бейнина душду фасод, Йўқ-му бир соҳиб ҳидоят, йўқму бир аҳли рашод?” дея муаммони ақл билан ҳал қилишга чорлайди.

Икки йўлдош, икки қўшни бир ватанда ҳамдиёр,
Асрларки умр этиб, сулҳ ичра топмишлар қарор.
Фитнаи иблиси малъун бўлди ногоҳ ошкор,
Кўр, жаҳолатдан на шакла душду вазъи рўзгор.
Қатлу ғорат, бешумор-у шаҳру кишлоқ торумор,
Ал-амон, бу фитнага чора қил, эй парвардигор, –

дея Яратганга ёлворади шоир. Бундай қилмишлар инсон боласининг қўлидан келишига ақл бовар айла-майди. Унинг на муслимиятга ва на арманиятга дах-ли бор. Шубҳа йўқки, жаҳолатдан ёинки ғафлатдан, адоватдан куч олмоқда ва охири залолат билан ту-гайди. Мирза Алакбар Собир 1905 йили ёзган шеъ-рида кейинги бир аср давомида содир бўлажак му-сибатларнинг олдини олишга интилади. Икки элнинг ўзаро ёлвализи оқибатларидан оғохлантиради. Аф-суски, халқлар оқил ўғлонлари сўзига ҳамиша ҳам қулоқ солавермайди.

Шоирнинг яна бир ҳикматомуз шеърини эсла-гим келди: ўргимчак ҳам, ипак қурти ҳам тўр тўқий-ди. Аммо бирининг меҳнати зиён-заҳматга, бириники эса зебу зийнатга хизмат қилади.

Фаррух ЖАББОРОВ,
“XXI asr” мухбири

(Давоми бор.)

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Тахрир хайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Мавлуда ХЎЖАЕВА

Сирожиiddин САЙИИД
Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ

Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Нодир ЖУМАЕВ
Мадина БАРОТОВА
Шухрат АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:
xxi_asr@mail.uz
xxi_asr@mail.ru



Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).

Обуна ва реклама
бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот
агентлиги (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси
Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва
оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил
14 июнда 0009-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

“Шарк” нашриёт-матбаа акциядорлик
компанияси босмаҳонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда
босилди. Ҳажми – 3 бўлма табоқ,
Буюртма рақами: Г – 745
Адади: 5105
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20.10

Тахририятга келган қўлзмалар тақрир
қилинмайди ва муаллифларга
қайтарилмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер
марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Фаррух ЖАББОРОВ